

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАШАРИПОВА НАСИБА РЎЗМАТОВНА

**ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ПЕДАГОГИК ТАФАККУРИДА ЎЗЛИК
ТАРБИЯСИНИНГ ДИДАКТИК ВОСИТАЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Pedagogical science**

Машарипова Насиба Рўзमतовна

Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясининг дидактик
воситалари 3

Машарипова Насиба Рўзमतовна

Дидактические средства воспитания самости в педагогическом мышлении
народов востока..... 27

Masharipova Nasiba Ruzmatovna

Didactic means of identity education in the pedagogical thinking of the peoples of
the east 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАШАРИПОВА НАСИБА РЎЗМАТОВНА

**ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ПЕДАГОГИК ТАФАККУРИДА ЎЗЛИК
ТАРБИЯСИНИНГ ДИДАКТИК ВОСИТАЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3-4.PhD/Ped303 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сафарова Рохат Гайбиллаевна педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Адизов Баҳтиёр Раҳмонович педагогика фанлари доктори, профессор Киямов Нишон Садикович педагогика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона Давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

Х.И. Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Ш.Р. Ураков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Н.Ш. Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўзлик тарбиясини амалга ошириш асосида жамият аъзоларининг онгли фаолиятини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнига инсонни маънавий-маданий ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув материаллари ва таълим технологияларини татбиқ этиш бугунги кунда тараққиётнинг глобал тенденциясига айланмоқда. Айни вақтда ривожланган мамлакатларда шахсни маънавий-ахлоқий ривожлантиришнинг назарий-амалий асосларини уйғунлаштирган инсонни камол топтириш қонуниятларини тадқиқ этиш инсоният маданиятининг юксалиш омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, муайян тарихий босқичда яшаган жамият аъзоларининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тафаккур маҳсулидаги ўзлик тарбиясининг дидактик воситаларини аниқлаш, комил инсон тарбиясининг фундаментал асосларини тадқиқ этиш муаммоларига жиддий ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон илм-фанида ўзлик тарбиясини амалга ошириш, шахс камолотини таъминлаш, инсоннинг руҳий осойишталиги, сўз билан амал бирлиги, қалб поклигига эришиш имконини берадиган дидактик воситаларни танлашга доир назарий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясини амалга оширишнинг тарихий тараққиёт йўли ва ривожланиш тенденциялари бугунги кунда жамият аъзоларида ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарблигини намоён қилмоқда. Шу билан бирга таълим амалиётида ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришда Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган ўзлик тарбиясининг дидактик воситаларини аниқлаш, тизимлаштириш, улардан самарали фойдаланиб шахс маънавий камолотини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда Шарқ халқлари педагогик тафаккури намуналаридан ёшларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, уларни баркамол инсон сифатида шакллантириш, ўзликни англаш ҳиссини таркиб топтиришда қадриятли ёндашувлар асосида жамиятни ривожлантиришнинг меъёрий-услубий таъминотини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш”¹ каби вазифалар белгиланиб, бу борада Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган дидактик воситалар – энг қадимги ёзма ёдгорликлар, асотирлар, мифлар, Авесто, Қуръон ва ҳадислар, аждодларимиз томонидан яратилган асарларнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилган ҳолда, таълим олувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон. 70-модда.

мазмунни, шакллари, воситалари ва методларини аниқлаш муҳим илмий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда аждодларимизнинг мероси, уларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ўрганиш масаласи кўплаб файласуф, тарихчи, педагог, психолог олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Жумладан, Шарқ мутафаккирлари ижодидида И.Н.Мўминов, В.Й.Зоҳидов, М.М.Хайруллаев, С.Ғаниева, Н.М.Маллаев, Ш.М.Шомуҳамедов, Э.Рустамов; тасаввуф таълимоти, унинг таркибий қисми бўлган “Нақшбандия” тариқатида комил инсон тарбияси масалаларини Н.Комилов, О.Усмонов, И.Ҳаққулов, Б.Валихўжаев, М.Ҳасаний, Р.Тиллабоев, Ҳ.Ҳомидий, О.Бўриев, Э.Қутибоев, А.Ўринбоев, Ҳ.Исломи, С.Олимов, Г.Наврўзова, М.Имомназаров, У.Увватов, Н.Қодирова, Б.Бухорий, Б.Умрзоқов, А.Ш.Жузжоний, Э.Исломов, Д.Мақсудов, А.Г.Аҳёев, И.Мўминов, Б.Бойқобилов; Шарқ алломалари меросини маънавий-ахлоқий тарбия нуқтаи назаридан ўрганиш масаласи педагог олимлар А.Зуннунов, О.Мусурмонова, М.Қуроно, Р.Сафарова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, О.Ҳасанбоева, М.Иноятова, К.Қиличева, З.Қурбонниёзова, Д.Муқимова, Г.Избуллаева, Д.Қосимоваларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Ж.Сартон В.А.Гордлевский, Е.Э.Бертельс, А.Н.Болдирев, В.Бартольд, Д.А.Книш,

Ю.Н.Алексеров, В.Н.Терновскийлар Шарқ педагогик тафаккури намоёндаларининг улкан хизматларини ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижлик олимлар Аннемари Шиммель, К.Г.Беккер, К.Брокельман, Дж.С.Трименгем, Т.Вамбери, Идрис Шох, А.Жўшон, У.Турор, М.Н.Массигнон, А.Шиммель каби шарқшунослар томонидан Шарқ мутаффақкирларининг комил инсон тарбиясининг фундаментал асосларини яратганликлари эътироф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016–2019 йилларга мўлжалланган №ФЗ-2016-0909111822 “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ифодаланган ўзлик тарбиясига оид дидактик воситаларни аниқлаш ҳамда улардан таълим амалиётида фойдаланишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясини амалга оширишнинг тарихий тараққиёт йўли ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

Шарқ мутаффақкирлари қарашларида илгари сурилган ўзлик тарбиясига оид педагогик-психологик ёндашувларни ҳамда тасаввуф таълимотидаги ўзликни англашга оид педагогик ғояларни назарий-амалий жиҳатдан асослаш;

Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ифодаланган ўзликни англашга оид дидактик воситаларни таҳлил қилиш, уларнинг ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришдаги педагогик имкониятлари ва самарадорлигини аниқлаш асосида илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

Шарқ педагогик тафаккури намуналарида ифодаланган қарашларнинг ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришдаги самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аждоқларимиз томонидан яратилган дидактик воситалар ёрдамида ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён белгиланиб, тажрибасинов ишларига Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани, Тошкент шаҳри Яшнаобод туманидаги умумий ўрта таълим мактабларнинг (жами 8 та) 874 нафар респондент-ўқувчилари ҳамда 142 нафар респондент-ўқитувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети Шарқ халқлари педагогик тафаккури намуналари воситасида ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини

шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари, методлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-ретроспектив таҳлил, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, педагогик-социологик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома), педагогик эксперимент, математик статистика усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шарқ халқлари педагогик тафаккуридаги шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатга эришиш, “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”, ҳушёрлик, инсон – олий қадрият ва баркамол шахсни шакллантириш концепцияларига таяниб ўқувчиларда ўзликни англашнинг қарашларни қиёслаш, далилларни рефлексиялаш, фикрларни фаоллаштириш каби босқичлари мавжудлиги асосланган;

таълим-тарбия жараёнида тасаввуф таълимотида илгари сурилган педагогик-психологик ёндашувлар (қалб ва руҳ тарбияси, суврат ва сийрат бирлиги, вужуд поклиги, ҳурфикрлилик, руҳ латифлиги, яратувчанлик, ҳақиқатни англашга интилиш)нинг ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришдаги имкониятлари суворалар, ҳикматлар, ҳадислар, ривоятлар, пандномалар, мақоллар каби дидактик воситалар ҳамда суҳбат, диалог, таҳлил, бадияхонлик, импровизация, китобхонлик методларини изчилликда қўллаш асосида ривожлантирилган;

ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш жараёнида Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган асотирлар, афсоналар, тошбитиклар, ҳадислар, ҳикматлар, мақомлар, суворалар, фольклор мусиқаси, дostonлар, эртақлар, мақоллар каби дидактик воситалардан фойдаланиш механизмлари рефлексияга таяниш асосида такомиллаштирилган;

“Аждодлар мероси воситасида ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш модели” шахснинг билиш фаолияти, маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиш, маданий дунёқарашини бойитиш, ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шарқ халқлари педагогик тафаккури воситасида ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделидан ўқув фанлари кесимида фойдаланиш механизмлари таклиф қилинган;

Шарқ халқлари педагогик тафаккурида мавжуд бўлган ўзлик тарбиясининг дидактик воситаларидан таълим жараёнида фойдаланиш усуллари ва методларини қўллашга оид илмий методик тавсиялар, ишланмалар яратилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

Шарқ мутафаккирлари қарашларида ифодаланган ўзлик тарбиясининг дидактик воситалари аниқланган, “ўз-ўзини англаш”, “ўзини-ўзи тарбиялаш”, “ўзлик”, “ўзликни англаш”, “ўз-ўзини назорат қилиш” каби тушунчалар муаллифлик ёндашуви асосида талқин қилинган;

дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда фан ўқитувчилари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарларини Шарқ халқлари педагогик тафаккурида мавжуд бўлган ўзлик тарбияси ифодаланган дидактик воситалардан фойдаланиш соҳасидаги билимларини бойитишга хизмат қиладиган методик йўриқномалар, сценарийлар ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога тарихий-фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазибаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган респондентлар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмуни билан асосланганлиги, статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аниқланган илмий ёндашувлар, қарашлар, ғоялар, таклиф этилган Шарқ халқлари педагогик тафаккури воситасида ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели, ишланмалар, сценарийлар педагогика фани мазмунини бойитиш ва таълим жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аجدодларимизнинг ўзлик тарбиясига оид тарихий тажрибалари, уни амалга ошириш воситалари, шакллари ва усулларининг аниқланганлиги, ушбу йўналишдаги қарашларнинг ривожланиш йўли белгилаб берилганлиги, мавжуд тажрибаларга оид ишлаб чиқилган илмий-методик тавсияларнинг таълим амалиётида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясининг дидактик воситаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлар асосида:

Шарқ халқлари педагогик тафаккуридаги шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатга эришиш; “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”; ҳушёрлик; инсон – олий қадрият ва баркамол шахсни шакллантириш концепциялари, ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш жараёнида Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган асотирлар, афсоналар, тошбитиклар, ҳадислар, ҳикматлар, мақомлар, суворалар, фольклор мусикаси, дostonлар, эртақлар, мақоллар каби дидактик воситаларга оид ёндашувлардан Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2012-2016 йй.) доирасида яратилган “Педагогика” энциклопедиясининг III жилдини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 89-04-2446-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи-

ёшларда ўзликни англашга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида тасаввуф таълимотида илгари сурилган педагогик-психологик ёндашувлар – қалб ва рух тарбияси, суврат ва сийрат бирлиги, вужуд поклиги, ҳурфикрлилик, рух латифлиги, яратувчанлик, ҳақиқатни англашга интилиш дидактик воситалар ва методларни изчилликда қўллаш имкониятини ривожлантиришга хизмат қилган;

ўқувчи-ёшларда ўзликни англашга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида тасаввуф таълимотида илгари сурилган педагогик-психологик ёндашувлар (қалб ва рух тарбияси, суврат ва сийрат бирлиги, вужуд поклиги, ҳурфикрлилик, рух латифлиги, яратувчанлик, ҳақиқатни англашга интилиш) ва тасаввуф илмидаги педагогик ғояларнинг ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришдаги имкониятларига оид таклифлардан ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида яратилган “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига сингдириладиган Шарқ педагогик тафаккури дурдоналари воситасида ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш йўллари” номли методик қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 89-04-2446-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда ўзликни англашнинг қарашларни қиёслаш, далилларни рефлексиялаш, фикрларни фаоллаштириш, аксиологик тафаккурни ривожлантириш самарадорлигини оширилишига хизмат қилган;

Шарқ халқлари педагогик тафаккури намуналари воситасида ўқувчи-ёшларда шахснинг билиш имкониятлари, эҳтиёжларини ҳисобга олиш, маънавий дунёқарашини бойитиш, ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларини шакллантиришга доир илмий-методик тавсия, ишланмалардан умумий ўрта таълим мактаблари амалиётида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 89-04-2446-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш жараёнида Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган асотирлар, афсоналар, тошбитиклар, ҳадислар, ҳикматлар, мақомлар, суворалар, фольклор мусиқаси, дostonлар, эртақлар, мақоллар каби дидактик воситалардан фойдаланиш механизмини аниқлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6та халқаро ва 9та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясининг ифодаланиши”** деб номланган биринчи бобида Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясини амалга оширишнинг тарихий тараққиёт йўли ва ривожланиш тенденциялари, Шарқ мутафаккирлари қарашларида ўзлик тарбиясига оид педагогик-психологик ёндашувлар баён этилган.

Инсон ўзлигини англаши, инсоний фазилатларга эга бўлиши, маънавий камолотга етишиши масалалари чуқур фалсафий, педагогик-психологик, ижтимоий, маданий аҳамиятга эга. Шахснинг ўзлигини англаши оилавий тарбия ва узлуксиз таълим жараёнида амалга ошади. Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг ривожланиш жараёни узоқ тарихни қамраб олади. Бу борада ҳар бир давр алломалари ва мусиқачиларидан келгуси авлод учун кўпгина асарлар ва манбалар яратилган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ижтимоий-психологик, фалсафий нуқтаи назардан миллий ўзликни англаш бу – шахснинг муайян бир миллатга мансублигини, мазкур миллатнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини билиши, унинг келгусидаги тараққиёт йўлини англаши ҳамда шу мақсад сари виждонан хизмат қилиши деган умумий хулосага келинган.

Педагогика энциклопедиясида “ўзликни англаш – инсоннинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борлиқдан ажрата билиши, баҳоланиши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи тушунча”¹ тарзида талқин этилган.

Ўзликни англаш шахснинг ўзини ҳақиқий инсон, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси ва улар учун масъул эканини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланади.

Тадқиқот доирасида амалга оширилган таҳлилларга таяниб, шуни айтиш керакки, *ўзликни англаш* бу – инсон ўз миллатини, халқини, аждодларини билиши, улардан қолган қимматли мероснинг аҳамиятини англаши, уларга эгалик қилиши, ўзида инсоний яхши фазилатларни намоён этиши, ғурури, ор-номуси, эътиқоди мустаҳкам бўлиши, ўзида гўзал ахлоқий-маънавий қиёфани шакллантириши, инсониятга зулм қилишдан, салбий иллатлардан

¹ Педагогика: энциклопедияси. III жилд / тузувчилар: жамоа. Т.:2017. – 424 б, (370-бет)

сақланиши, қалб амрига қулоқ тутган ҳолда бунёдкор ғоялар билан яшаши, маърифатга интилиши, ўзгаларга зиё тарқатиши, бошқа дин ва миллат вакилларига нисбатан бағрикенг ва очиқ бўлиши демакдир. Аждодларимиз ўз қарашларида ҳудди мана шу ғояларни кенг тарғиб қилганлар.

Аждодларимиз меросини ўрганиш билан ўқувчи ёшларда ўзликни англаш туйғусини шакллантириш ўзаро алоқадор жараён бўлиб, муайян муаммоларни ечишни тақазо этади. Аждодларимиз меросини ҳар томонлама ўрганиш асосида ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш уларнинг камолотини таъминлашга кўмаклашади. Шунга кўра аждодларимиз меросининг ўқувчи ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга кўрсатадиган таъсирини таҳлил қилишга интилдик. Мустақиллик туфайли аждодларимиз меросини таълим-тарбия жараёнига олиб кириш учун кенг йўл очилди. Бунинг натижасида ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш туйғуси шаклланмоқда. Уларда ўз тарихи, ўтмиши, аждодлари ва улар яратган тафаккур дурдоналаридан фахрланиш ҳисси кучаймоқда.

1-жадвал.

Шарқ мутаффақкирларининг асарларида ўзлик тарбиясига оид ғояларнинг ифодаланиши

Мутаффақкирлар	Асарининг номи	Манбада илгари сурилган ўзлик тарбиясига оид ғоялар
	Авесто	Эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал қилиш
	“Қуръони Карим”	Иймон, эътиқод, виждоннинг мустаҳкам бўлиши. Берилган неъматларга ҳамиша шукр қилиб яшаш.
	“Ҳадиси Шариф”	Аллоҳга иймон келтириш, ота-онага, устозга ҳурматда бўлиш, бировнинг ҳаққини емаслик, омонатга хиёнат қилмаслик.
Имом Ал-Бухорий (810-870)	“Жомеъ ас - Саҳих”, “Ал-Адаб Ал-Муфрад”	Гўзал хулқ-атворга эга бўлиш, ота-онага итоатли, меҳр-муруватли бўлиш, илм ўрганиш, ҳунар эгаллаш
Аҳмад Яссавий (1041-1167)	“Яссавий ҳикматлари”	Нафсни тийиш, бойликка ружу қўймаслик, ҳалол ва камтар бўлиш,
Нажмиддин Кубро (1145-1221)		Ватнпарвар, жувонмард, муҳтожларга ғамхўр, жасаур мард бўлиш.
Азизиддин Насафий	“Инсон ул-комил”	Шариат, тариқат, ҳақиқатга интилиш, яхши ахлоқ ва маорифга эга бўлиш.
Жалолиддин Румий	“Маънавий маснавий”, “Ичингдаги ичингдадур”	Ҳақиқатни сўзлаш, тўхри ва ҳалол бўлиш, иккиюзламачиликдан сақланиш, мантиқий фикрлаш, тўғри хулосалар чиқариш.
Ҳамид Ғаззолий	“Кимёи саодат”	Хушфеъл, қалби тоза бўлиш, ёмон хулқ одатлардан сақланиш.
Алишер Навоий	“Маҳбуб ул-қулуб”	Сабр, қаноат, сўзни қадрлаш, хайру эҳсон қилиш, саховатли бўлиш.

Аждодларимиз меросида жамият ва халқнинг орзу умидлари, мақсад ва манфаатлари, эҳтиёжлари, интилишлари ўз ифодасини топган. Мазкур меросда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш имкониятлари мукамал тарзда ёритилган ҳамда аниқ йўналишлари кўрсатилган. Ўзликни англашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳар бир шахсда, шу жумладан ўқувчи ёшларда ҳам Ватанпарварликни туйғусини шакллантиришдан иборат. Ўтмишда аждодларимиз биринчи навбатда ўз Ватанининг тинчлиги, фаровонлиги учун қайғурган, ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам Шарқ алломалари томонидан яратилган барча асарларда Ватанпарварлик, Ватанга мухаббат туйғуси асосий ўринни эгаллаган. Улар ўз асарларида Ватанининг эрки, тинчлиги ва фаровонлиги учун олиб борган кураши, бу йўлда кўрсатган қаҳрамонликлари, тортган машаққатлари ёрқин образлар мисолида кўрсатиб берилган. Аждодларимиз асарларида ўзликни англаш туйғуси босқичма-босқич ривожлантирилган. Масалан, А.Навоийнинг “Хамса” дostonларида, Бобурнинг “Бобурнома” асари ва шеърларида, Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидаи”, Ж.Румийнинг “Ичиндаги ичингдаир” асарлари, А.Темурнинг “Темур тузуклари”да ўзликни англаш ғояси изчил баён этилган.

Энг қадимги замонлардан бошлаб кўп асрлар давомида яратилган ёдгорликлар, бадий ва илмий асарлар, мифлар, халқ оғзаки ижоди намуналарининг мазмунида таълим-тарбия, инсон камолотини таъминлашга оид қарашлар устивор ўрин эгаллаб келган.

Буюк аллома аждодларимизнинг аксарият асарларида дидактикага бағишланган боблар бўлиб, унда қалб, рух тарбияси, юриш-туриш қоидалари, Ватанга мухаббат, ота-она, дўст-ёрга ҳурмат, ёмон иллатлардан сақланиш, ҳурфикрлилик, ҳаётсеварлик, “эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал” ғоялари тарғиб қилинган. Ўтмишда яратилган аксарият асарларда фалсафа, таълим-тарбия, фикр(ҳуқуқшунослик)га оид билимлар, қарашлар, ёндашувлар ўзаро уйғун тарзда тақдим этилган бўлиб, педагогик ғоялар калом, Ҳадис, фикр илмининг асосини ташкил этган ва ёш авлодга инсон, табиат ва жамият ҳақиқатлари, уларнинг ўзаро муносабатларини англаштишга хизмат қилган.

Диссертациянинг **“Таълим тизимида шарқ халқлари педагогик тафаккури дурдоналари воситасида ўзлик тарбиясини амалга оширишнинг педагогик имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида тасаввуф таълимотида ўзликни англашга оид педагогик ғоялар, Шарқ педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясини амалга оширишнинг дидактик воситалари, ҳикмат ва суворалар ёритиб берилган. Ёш авлодни миллий анъаналар, урф-одат ва қадриятлар руҳида тарбиялашнинг ўзликни англаш туйғуси билан уйғунлиги назарий-педагогик жиҳатдан асосланган. Аждодларимизнинг асарлар оша яшаб келаётган ўзлик тарбиясига оид эзгу ғоялари воситасида ўқувчи-ёшларда ўзини, ўзлгини англаш ҳиссини шакллантириш методлари ва усуллари ишлаб чиқилган.

Тасаввуф таълимотида ўзлик тарбияси устувор ўрин тутди. Ўзлик тарбияси тасаввуф таълимотининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Тасаввуф том маънода ўзликни англаш ва шу асосда инсонни қадрлаш манбаидир. Мазкур таълимотда ўзликни англаш орқали инсон ҳақиқатни

англаб етади. Шунинг учун тасаввуф ўз мазмун моҳиятига кўра ўзликни англаш ва ҳақиқатни излаш илмидир. Тасаввуф ўзликни англаш йўлидаги изланишларни ёш авлодга ўргатиш илми ҳамдир.


Тасаввуф таълимотида кўрсатилишича, инсон ўзини англашида, ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишида устоз муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам аждодларимиз устоз-шогирд муносабатларига чуқур ёндашганлар. Устозни пири комил, шогирдни эса мурод мақсади сари интилувчи мурид дея таърифлаганлар. Тариқатда кўрсатилишича, устознинг ўзи қалби пок, маърифатли, ўзлигини англаган ориф инсон бўлиши керак. У ҳар жиҳатдан шогирдларига ўрнак кўрсата олиши, билимининг чуқурлиги, тариқат ғояларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаши, юксак тафаккури, нафсини мавҳ этганлиги, сўзи, нутқининг равон ва таъсирчанлиги, ҳатти-ҳаракати, ахлоқи, тадбири ва ҳимояси билан шогирдига маънавий таъсир кўрсатиши лозим. Аждодларимиз томонидан баркамол шахсни шакллантириш модели ишлаб чиқилган. Бу модел Нақшбандийлик таълимотининг асосини ташкил этган. Инсоният кўп асрлар мабойнида тасаввуф таълимоти шу жумладан Нақшбандийлик таълимотида илгари сурилган ушбу моделга қайта-қайта мурожаат қилиб келмоқда. Улар баркамол шахснинг иккита асосий хусусияти ҳақида тўхталганлар:

1. Ўз ички оламига ишониш. 2. Шахснинг лаёқатга эга бўлиши.

Ўзликни англаш муайян мезонларга эга. Мазкур мезонлар: ўз ватанининг бетакрорлиги ва ягоналигини англаш; ўз она тилини чуқур билиш ва уни ҳурмат қилиш; аждодларимиз яратган маънавий-маданий бойликларни ўзлаштириш ва сақлаш; ватан тарихини, халқнинг урф-одат ва анъаналарини мунтазам ўрганиш ва қадрлаш; халқнинг тарихий тажрибаси, диний қадриятларни ўзлаштириш, англаш ва унга амал қилиш.

Шарқ педагогик тафаккурида ўзлик тарбияси асосан тасаввуф таълимотининг таркибий қисмлари бўлган Мавлавия, Яссавия, Кубравия, Нақшбандийлик тариқатлари негизида илгари сурилган бўлиб, улар узоқ асарлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган турли мифлар, Авесто, Ўрхун-Энасой тош ёзма ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, ҳикматлар, аждодларимиз томонидан яратилган дурдона асарлар, мумтоз мусиқа намуналари ва дostonларда ўз ифодасини топган.

Шунинг учун ҳам улар Шарқ педагогик тафаккурининг асл дурдоналари сифатида ўзлик тарбияси ҳақидаги қарашлар, ёндашувлар ва таълимотларни ўзида мужассамлаштирган муҳим дидиктик восита сифатида хизмат қилади. Аждодларимизнинг мазкур таълимотлари ўз ифодасини топган асарларини ўрганиш орқали поклик, ҳалоллик, эзгуликка интилиш, ретгўйлик, ота-она ва устозларини ҳурмат қилиш, ўз ҳатти-ҳаракатларини таҳлил эта олиш, воқеа-ҳодисалардан зарур хулоса чиқариш, ўз халқин маданиятининг туб илдизлари моҳиятини англаш каби инсоний сифатлар таркиб топади. Ўзликни англаш туйғуси кучаяди (1-расмга қаранг).



1-расм. Аждодлар мероси воситасида ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш модели

Аждодларимиз илмий-бадий мероси ҳисобланган дурдона асарлар, халқ мусиқа намуналари, дostonлар, мақом ва суворалар, тасвирий санъат асарлари маънавий-ахлоқий тарбия воситалари саналади. Уларда тарбиянинг қуйидаги йўналишлари устувор саналган: 1. Ахлоқий тарбия. 2. Маънавий тарбия. 3. Руҳий тарбия. 4. Жисмоний тарбия.

5-синф адабиёт дарслигида Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” асаридан намуналар тақдим этилган. Биз қуйидаги жадвалда ушбу асарнинг 7-боби “Тарбия таъсири” қисмидан ўқувчилар ўзлигини англашга, илм-у ҳунар эгаллашга ундовчи бир нечта ҳикоятларни тавсия этамиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” асаридан 5-синф адабиёт дарслигига киритилиш тавсия этилган намуналар

	Берилган мавзуга мос келувчи “Бўстон” асарининг 7-бобидан келтирилган ривоят, ҳикмат, ибратли сўзлар	Ҳикоя асосида ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга ундовчи методлар
2-ҳикоят	Бир донишманд фарзандларига шундай насиҳат қиларди: “Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинлар, зероки, молу дунёга эътимод йўқ ва олтин, кумуш сафарда ҳатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб томомлайди. Аммо ҳунар қайнар булок, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса кадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса ҳамиша машаққат чекади”. Ўзи буюрмоққа ўрганган киши, Қийин бошқаларга қулок солиши. Ким агар ўсибди нозу нематда, Ҳоли оғир бўлар қолса қулфатда.	Ҳикоя инсонлар нимага даъват этаётганини аниқлаш; Ҳунар инсон ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш; Ҳунар эгаллаш учун билим олиши лозимлигини уқтириш; Ҳикоядан олинган таассурот ва хулосаларни аниқлаш;

Аждодларимиз баркамол инсоннинг ўзига хос ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқиб, уни назм ва наво воситасида келгуси авлодларга етказишга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир шахс таълим-тарбия воситасида жамият ҳаётига мослаштирилади. Чунки муайян жамият ҳаётидаги барча муаммоларнинг ечими маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук фуқароларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, ҳамкорлиги, имон-эътиқодига боғлиқ.

Инсоният ўзининг бутун тарихий тараққиёти давомида маънавий-ахлоқий тарбия доирасида иккита муҳим масалага ечим излаган: биринчиси – ҳақиқий инсон қандай яшаши керак; иккинчиси – қандай эзгу ишларни бажариш, қандай ҳаракатлардан тийилиш лозим. Бу масаланинг ечими Шарқ педагогик тафаккурида устувор ўрин эгаллаган ва санъат, адабиёт худди мана шу устувор муаммони ечимларини ифодаловчи дурдона асарлар билан бойитилган.

Инсоннинг ўзлигини англашида ҳикматлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида аждодларимиз томонидан яратилган ҳикматлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шарқ алломаларининг аксарияти ҳикматлар ҳақида қуйидагича таъриф берганлар. “Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир”. Демак ҳикмат инсонга ўзлигини англашга кўмаклашадиган маънавий воситадир. Ушбу сўз аجدодларимиз талқин қилганларидек, бугунги кунда ҳам донишмандлик ифодаси сифатида ўз маъносини сақлаб келмоқда. Ҳикматлар мантиқий жиҳатдан қулай, осон ўзлаштириш имконини берадиган аниқ ва лўнда жумлалардан иборат. У ўқувчиларни мантиқий фикрлашга, мулоҳаза қилишга, ўз ҳаракатларини мақсадга йўналтиришга ундайди (3-жадвалга қаранг).


3-жадвал

Ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга кўмаклашувчи тавсия этилган дидактик воситалар

№	Ҳикматнинг муаллифи	Тавсия этилган ҳикмат	Синфи	Фан	Ўқувчи англаши лозими бўлган ҳис-туйғу ва кечинмалар
1	Жалололдин Румий	“Инсонни оташ эмас, ўз ғафлати ёқар. Барчадаги камчиликни кўрар-у, аммо ўзига кўрдек боқар. Нимага қандай боқсанг, у ҳам сенга шундай боқар”	6-синф	Адабиёт	Ҳамиша хушёр бўлишга, ўзини, хатти- ҳаракатини назорат қилиш, эзгу ўйда бўлиш
2	Яссавий	Рохат ташлаб, жон меҳнатим хушлағанлар, Сахарларда жонин қийнаб ишлағанлар, Ҳо-ю ҳавас, моумонни ташлағанлар Чин ошиқдир, ҳаргиз они ёлғони йўқ.	5-синф	Тарбия	Меҳнатсевар бўлиш, ҳалол ризқ топиш
3	Жалололдин Румий	Инсонлардаги гўзаллик бу – юздир, юздаги гўзаллик эса – кўздир. Аммо, инсонни инсон қилган бу унинг тилидан чиқадиган – сўздир.	6-синф	Адабиёт	Тилига эҳтиёт бўлиш, ахлоқ ва одобга риоя этиш
4	Махтумқули	Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг, Жохилга ёндашсанг, кўрдек буларсан.	5-синф	Тарбия	Илмли, ақлли одамлар суҳбатидан хулоса чиқариш
5	Жалололдин Румий	Яхши дўсти борнинг ойнага эҳтиёжи йўқдир.	5-синф	Адабиёт	Дўстликни қадрига етиш, яхши дўст бўлиш
6	Жалололдин Румий	Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак; диққат, интизом ва ҳаракат.	4-синф	Тарбия	Ҳар ишда диққатли, эътиборли, тартибли, мақсад сари тинимсиз интилиш.

Шарқ алломалари ҳикматлар ёрдамида ўзлигини англаб етишига даъват этганлар. Кишилиқ тарихида ҳикмат айтган биринчи инсон Довуд алайҳиссалом ҳисобланади. Ўз навбатида Луқмон Ҳаким ҳам ўзининг эзгу ғояларини ўзининг бир қатори ҳикматлари ёрдамида замондошларига етказган.

Аждодларимиз томонидан айтилган ҳикматлардан самарали фойдаланиш, уларни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, мажмуалар мазмунига мавзулар билан боғлиқ ҳолда сингдириш, синфдан ташқари таълим-тарбиявий жараёнларда ҳикматлардан унумли фойдаланиш кўзланган мафқсадга эришиш имконини беради. Аждодларимиз томонидан яратилган улкан педагогик мероснинг таркибий қисми бўлган мақомлар ва суворалар ҳам ўзида ибратомус ҳикматлар, ҳадислар, панд-насихатлар ва мақолларнинг мазмун моҳиятини акс эттирган. Суворалар ўзига хос педагогик аҳамиятга эга. Уларга педагогик нуқтаи назардан ёндашар эканмиз, сувораларнинг матнлари ахлоқий-маънавий мазмунга бой эканлигини кўраемиз. Сувора жанри Хоразм мумтоз мусиқасига хос бўлган йирик ашула услуби ва мустақил жанр ҳисобланади. Унинг асосини маънавий-ахлоқий тарбия ташкил этади. Ушбу ашулалар улкан тарбиявий аҳамиятга эга (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўзлик тарбиясини шакллантиришда сувораларнинг педагогик вазифалари

Мадрасаларда махсус дарсликлар бўлмаган даврларда суворалар таълим-тарбия воситаси сифатида қўлланилган. Панд-насихатни ўзида мужассамлаштирган матнлар жозибадор куй уйғунлигида турли ёшдаги тингловчиларга енгил услубда етказилган. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти фанининг тарбиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида

дастур мавзулари билан боғлиқ ҳолда суворийлардан намуналар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Биз кузатишларимиз ва таҳлилларимиз асосида шу нарсани аниқладикки, умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти ўқув дастурида фақатгина 6-синфда суворалар ҳақида маълумот бериш учун 2 соат вақт ажратилган.

Аждодларимиз педагогик тафаккурида асрлар давомида муҳим ўрин эгаллаган сувораларнинг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш ниҳоятда зарур бўлиб, ўқув дастурида ҳар бир синфда ўқувчиларга сувораларни ўргатиш, уларнинг тарбиявий имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида муаян соатлар ажратиш лозим. Масалан 2-синф мусиқа фани ўқув дастури 2-чорагида “Тулуфор”, 3-синф 2-чорагида, 4-синф 3-чорагидаги мавзулар кесимида “Савти сувора”лардан тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг **“Шарқ педагогик тафаккури намуналари орқали ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда Шарқ педагогик тафаккури намуналари воситасида ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган. Ўқувчи ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришда шарқ педагогик тафаккури дурдоналари, айниқса мутаффакир аждодларимиз томонидан яратилган, шунингдек тасаввуф таълимотини номоёндалари томонидан яратилган дидактик воситалар қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Биз тажриба-синов ишлари давомида бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Ҳадислар, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, мумтоз ашулалар, шунингдек, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Огаҳий, Машраб, Маҳтумқули каби аждодларимиз томонидан яратилган кўплаб насрий ва назмий асарлар, ҳикматлар воситасида синфда ва синфдан ташқари таълим-тарбиявий жараёнларда ўқувчи-ёшларда ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга ҳаракат қилдик. Худди шу мақсадда Республикаимизнинг бир қатор ҳудудларида тажриба-синов ишларини ташкил этдик. Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги 1-, 2-, 17-; Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 21-, 38-; Тошкент шаҳри Яшнаобод туманидаги 149-, 226- умумий ўрта таълим мактабларида уч босқичда тажриба-синов ишларини ташкил этдик.

Тажриба-синов ишларида 874 та ўқувчилар ва 142 нафар фан ўқитувчилари иштирок этдилар. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўтказилган сўровномалар натижасида маълум бўлдики, бугунги педагогик жараёнларда аждодларимизнинг ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга оид педагогик ғоялардан етарлича фойдаланилмаслиги маълум бўлди.

**Ўқувчиларда тажриба-синов якунида Шарқ педагогик тафаккури
намуналари воситасида ўзликни англаш ҳиссининг шаклланганлик
даражаси**

№	Ўқувчиларда ўзликни англаш ҳиссини ифодаловчи мезонлар	Тажриба гуруҳи $n_1 = 440$			Назорат гуруҳи $m_j=434$		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1.	Ўқувчиларда аждодлармиз меросини ўрганишга нисбатан қизиқишининг шаклланганлиги	255	158	27	168	150	116
2.	Шарқ мутаффаккирлари асарларида ифодаланган ҳаётбахш ғояларни билишлари	253	153	34	172	149	113
3.	Инсонга хос бўлган ахлоқий сифатларни билишлари	251	155	34	166	152	116
4.	Эзгу ишларни амалга оширишга нисбатан рағбатнинг ва мойилликнинг шаклланганлиги	259	151	30	169	148	117
5.	Ўзбек халқига хос бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларин қадрлашлари	251	156	33	172	152	110
6.	Миллатимизга хос сифатларни билишлари	260	151	29	167	147	120
7.	Бутун дунёга машҳур мутаффаккир аждодларимиз ва уларнинг эзгу ишларидан хабардор бўлишлари	265	148	27	171	143	120
8.	Билим олишга нисбатан интилишнинг мавжудлиги	269	145	26	173	142	119
9.	Миллий ғурур ва ифтихор туйғусига эга эканликлари	254	162	24	175	141	118
10.	Ҳикматлар ва Ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини очиқ бера олишлари	250	159	31	168	145	121
11.	Китобхонлик кўникмасига эга эканликлари	268	146	26	165	151	118
12.	Мумтоз ва халқ қўшиқларини тинглаб, маънавий озуқа олиши, мушоҳада қила олишлари	253	157	30	171	146	117
13.	Достон ва унинг қаҳрамонлари ҳақида зарур билимлар ва маълумотларга эга эканликлари	266	148	26	173	145	116
	Ж а м и:	3354	1989	377	2210	1911	1521
	Ў р т а ч а с и:	258	153	29	170	147	117

5- жадвал

Фан ўқитувчиларининг Шарқ халқлари педагогик тафақури маҳсули бўлган дидактик воситаларда ўзлик тарбиясининг ифодаланиши ва ундан амалиётда фойдалана олиш кўникмаларини аниқлаш мезонлари

№	Мезонлар	Тажриба бошида $n_i = 72$			Тажриба якунида $m_j=70$		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1.	Шарқ халқлари педагогик тафақурида ўзлик тарбиясининг ифодаланиши ҳақида маълумотга эга бўлишлари	35	34	3	24	24	22
2.	Ўзлик тарбиясининг мазмун моҳияти ва таркибий қисмларини билишлари	37	28	7	21	28	21
